



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - aprel

8080 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Жумабоев Хамидбой Фарходовични вояга етмаган жиянлари 2004 йил 15 мартда туғилган Фарходов Дилшодбек Бунёд ўғлига, 2005 йил 4 октябрда туғилган Фарходова Асал Бунёдбек қизига ва Фарходов Равшанбек Бунёд ўғлига нисбатан ҳомий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 7 апрелдаги хулосаси инобатга олинсин.

2. Богот тумани “Обод” маҳалласида яшовчи фуқаро 1990 йил 19 декабрда туғилган Жумабоев Хамидбой Фарходовични вояга етмаган жиянлари 2004 йил 15 мартда туғилган Фарходов Дилшодбек Бунёд ўғлига, 2005 йил 4 октябрда туғилган Фарходова Асал Бунёдбек қизига ва Фарходов Равшанбек Бунёд ўғлига нисбатан ҳомий этиб тайинлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими мудирини Т.Мирзаевга:

- Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.

- Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Васийликка олинаётган шахслар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев